

## **ЖАҲОН ТАРТИБОТИ ВА ГЛОБАЛ НИЗОЛАР**

**Ф.Р. Равшанов**

“Ренессанс” таълим университети,  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Ш.И. Шазаманов**

“Ренессанс” таълим университети,  
сиёсий фанлар доктори, доцент

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада XX-XXI аср бошларида жаҳон мамлакатлари ўртасида кузатилаётган сиёсий ва ҳарбий низоларнинг авж олиши сабаблари таҳлил қилинади. Муаллиф жаҳон тартиботи тушунчаси, унинг бузилиб бориши жараёнлари, шу жараёнлар ичида эса йирик кучлар сони ортиб, дунёга эгалик қилишга уринаётганлар ўртасида кечаётган муносабатлар ҳақида илмий хулосалар чиқаради. Шунингдек, унда кўп қутбли дунё шаклланишининг асосий тенденциялари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири очиб берилади.*

**Калит сўзлар:** жаҳон тартиботи, геосиёсат, кўп қутблилик, халқаро низолар, глобал беқарорлик, халқаро ҳуқуқ.

### **ABSTRACT**

*This article analyzes the causes behind the escalation of political and military conflicts among countries at the end of the 20th and the beginning of the 21st centuries. The author examines the concept of world order, the processes of its transformation and erosion, and draws scholarly conclusions about the nature of relations among major powers whose number is increasing and which are striving for global dominance. The paper also explores the main trends in the formation of a multipolar world and their impact on international relations.*

**Keywords:** world order, geopolitics, multipolarity, international conflicts, global instability, international law.

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье анализируются причины обострения политических и военных конфликтов между странами мира в конце XX – начале XXI века. Автор рассматривает понятие мирового порядка, процессы его трансформации и разрушения, а также делает научные выводы о характере отношений между усиливающимися крупными державами, стремящимися к глобальному доминированию. Кроме того, раскрываются основные тенденции формирования многополярного мира и их влияние на международные отношения.*

*Ключевые слова:* мировой порядок, геополитика, многополярность, международные конфликты, глобальная нестабильность, международное право.

## **КИРИШ**

Сўнги йилларда халқаро муносабатлар тизимида кескин ўзгаришлар кузатилмоқда. Минтақавий урушлар, геосиёсий рақобатнинг кучайиши, санкциялар сиёсати, дипломатик обрўсизланиш ва қарама-қаршиликлар глобал хавфсизлик масаласини янада долзарб қилиб қўйди. Бу ҳолат ҳам ижтимоий, ҳам илмий доираларда “жаҳон тартиботи инқирози” тушунчасининг кенг муҳокама қилинишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, жаҳон тартиботи ҳақиқатан ҳам бузилмоқдами ёки у янги босқичга ўтмоқдами, деган савол муҳим аҳамият касб этади.

XX аср охирида шаклланган бир қутбли жаҳон тартиботи маълум муддат глобал барқарорликни таъминлаган бўлса-да, мана энди XXI асрнинг биринчи чорагидаёқ ушбу модел ўз самарадорлигини йўқота бошлади. Айниқса, янги иқтисодий ва ҳарбий куч-қудрат марказларининг пайдо бўлиши глобал кучлар мувозанатини ўзгартирди. Натижада давлатлар ўртасида таъсир доиралари учун рақобат кучайди.

Шу билан бирга, жаҳон давлатлари ишониб келган буюк халқаро ташкилотлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг бир хил талқин ва татбиқ этилмаслиги ҳамда халқаро институтлар фаолиятининг кучлилар сиёсий манфаатларига боғлиқ ҳолда чекланиб қолиши низоларни ҳал этиш механизмларини бадтар заифлаштирди. Бу эса ҳозирги кунда куч ишлатиш ёки босим ўтказиш орқали муаммоларни ҳал қилиш тенденциясини кучайтириб юборди.

Аввало айтиш керакки, “жаҳон тартиботи” (world order) тушунчасининг ўзи нималигини тушуниш бугун чалқаш масалага айланди. Аслида “жаҳон тартиботи” тушунчаси давлатлар ўртасидаги муносабатларни тенглик тамойилида, келишилган қоидалар, меъёрлар ва кучлар мувозанати асосида олиб борилишини белгилаб берадиган халқаро тизим, яъни халқаро ташкилотлар, қонунлар, қоидалар, келишувлар, тартиблар ва муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқни ифодалаши керак. Бошқача айтганда у жаҳон давлатлари ўртасида хавфсизлик, сиёсий, ҳуқуқий маданий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик, низолар ва урушлардан қочиш, инсониятни гуллаб-яшнаши учун шарт-шароитларни таъминлаши лозим. Ҳар ҳолда бу тушунча XX асрда катта қирғинлар ва вайронкорликка сабаб бўлган Биринчи жаҳон уруши (1914–1918)

дан кейин ижтимоий, илмий ва сиёсий муомалага мана шундай ниятларда кириб келган эди. Чунки бу уруш инсониятга шунчаки давлатлар ўртасидаги муносабатлар эмас, балки бутун жаҳон миқёсида тартиб ва қоидалар зарурлигини кўрсатиб берганди. Шунга кўра, “Миллатлар лигаси” тузилган, унинг зиммасига умумжаҳон муаммоси сифатида халқаро хавфсизлик, тинчликни сақлаш, ҳамкорликда барқарор ривожланиш масалаларини тартибга солиш ва назорат қилиш вазифаси юкланганди. Бу ташкилот қарорлари аъзо давлатларнинг рози-ризолиги билан қабул қилиниши керак эди. Мана шу ташкилот “жаҳон тартиби”, “халқаро тартиб” каби тушунчаларни муомалага киритганди. Аммо шу ташкилотни тузганларнинг ўзи биринчи навбатда унинг мақсадларини писанд қилишмади ва натижада Иккинчи жаҳон уруши (1939–1945) юзага келди. Бу уруш оқибатлари халқаро тартиб зарурлигини янада мустаҳкамлади. Шу сабабли БМТ ташкил этилди, унинг базасида халқаро ҳуқуқ нормалари тизимлаштирилди ва уларга амал қилиш барча учун баробар деб эълон қилинди. Лекин у фаолиятини бошлар-бошламас яна низолар пайдо бўлди. Энди бу низолар жаҳонда ким етакчилик қилади, деган масалага тақалди. Натижада АҚШ ва СССР етакчилигидаги бир-бирига қарама-қарши “икки қутбли” жаҳон тартиботи шаклланди. Ана шу даврдан бошлаб “жаҳон тартиботи” атамаси сиёсий фан, халқаро муносабатлар ва геосиёсатда мустақил тушунча сифатида қўлланила бошлади.

АҚШ ва СССР муносабатлари (совуқ уруш даври)да у назарий жиҳатдан чуқурлашди. 1950–1980 йилларда реализм, неореализм, либерализм каби назариялар, “жаҳон тартиботи”, “халқаро тизим”, “кучлар мувозанати” каби тушунчалар, қатор халқаро ташкилотлар, келишувлар ва иттифоқлар билан бойиди-ю аммо жаҳон тартибга келмади. У айниқса қурол жиҳатдан кучлиларнинг хоҳиш-иродасига айланиб, жараён аксинча ривожланди, давлатлар суверенитети ва ҳудудий яхлитлик тамойиллари узлуксиз бузилди, келишилган тинчлик қоидалари менсилмай, турли ҳудудларда урушлар авж олдирилди. Иқтисодий, сиёсий ва дипломатик муносабатлар тартибини кўр-кўрона инкор этиш оддий ҳодисага айланди. Оқибатда халқаро ҳуқуқ ва институтлар роли кески пасайиб борди.

Шунга кўра, бугун бурунги жаҳон тартиботи инқирозга учрайдими ёки кучлилар томонидан трансформация қилинмоқчимиз деган савол юзага келади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Жаҳон ОАВида тарқалаётган кенг маълумотлар ва турли таҳлилчилар қарашларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, бугун ана шу

кучлилар ўрнатган жаҳон тартиботи ҳам бузилган ва бу бузилиш ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб янада онгсизларча кенгайиб бормоқда. Давлатлар суверенитети, дипломатик муносабатлар ва халқаро иқтисодий алоқалар ҳозирча сақланиб турган бўлсада, амалдаги қоидаларнинг универсал амал қилиши ўта заифлашган, ишонч инқирози эса борган сари ривожланмоқда.

Жаҳонда етакчилиқни даъво қилувчи айрим мамлакатлар, иттифоқлар ва уларнинг тарафдорлари бугун бу ҳолатни жаҳон тартиботининг инқирози эмас, балки трансформация жараёни сифатида баҳолашади. Гўёки улар ҳамisha етакчи бўлиб қолаверишади-ю бошқалар уларга эргашиши керакдек. Бу ерда жаҳонда тенглик, адолатни кучлилар белгилайди, деган қараш бугун ошқора тарзда намоён бўлмоқда. Яъни, халқаро муносабатлар тизими кучлилар кураши ортидан янги шароитларга мослашиш босқичида турибди. Аслида кучли давлатлар мана шундай даъволар ортидан таназзулга учрагани тарихда кўп бор такрорланган.

СССР барҳам топгач икки қутбли тизим (АҚШ - СССР) тугади. АҚШ ҳарбий, иқтисодий, технологик ва мафкуравий жиҳатдан рақобатчисиз қолди. 1990 йиллар бошида АҚШ ягона глобал ҳарбий куч, доллар орқали молиявий устунлик, НАТО, Жаҳон банки, ХВЖ орқали институционал таъсирга эга эди. Шу маънода, 1991–2001 йиллар оралиғи “АҚШ етакчилигидаги бир қутблилик” даври, деб аталади. Аммо нима учун “мутлақ бир қутблилик” дейилмайди? Чунки, бу жараёнда Европа Иттифоқи муқобил иқтисодий қутб сифатида шаклланиб борди. Хитой жадал иқтисодий ўсишга кирди. Россия 2000-йиллардан геосиёсий фаоллигини кўрсата бошлади. Минтақавий кучлар (Ҳиндистон, Эрон, Туркия) мустақил сиёсат юрита бошлади. Умумлаштириб айтганда, АҚШ гегемон бўлди-ю, аммо ягона қарор чиқарувчи марказга айланиб кетмади. Шу сабабли ҳам қатор таниқли геосиёсатшунослар ўз таҳлилларида бу даврни турлича баҳолашди. Масалан, Хэл Брэндс<sup>1</sup>: “Unipolar moment”, яъни вақтинчалик (бир қутбли) лаҳза, Самуэл Хантингтон<sup>2</sup> “бир қутбли, лекин кўп кучли дунё”, деб атади. Замонавий ёндашувларда мутахассислар дунё 2010 йиллардан бошлаб кўп қутблиликка қараб кетмоқда ва ўтиш даврини бошдан кечирмоқда, деб баҳолашади. Масалан, А. Ачаря (“Америка дунё тартибининг охири”), И. Бреммер (“Ҳар бир миллат ўзи учун”), Муррай ва Броун (“XXI асрда кўп қутблилик”), Саҳакян (“Хитой ва Евроосиё кучлари кўп қутбли дунё тартибида - 2.0”) асарларида жаҳоннинг 2010

<sup>1</sup> Hal Brands. Making the Unipolar Moment: U.S. Foreign Policy and the Rise of the Post-Cold War Order. -New York: Cornell University Press. 2016. -480 p.

<sup>2</sup> Samuel P. Huntington. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. -New York: Simon & Schuster, 1996. -368 p.

йиллардан кейин кўп қутбли тартиботга ўтаётгани илмий ва сиёсий нуқтаи назардан ҳар томонлама таҳлил қилинади<sup>3</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда жаҳон сиёсатининг асосий тенденцияларидан бири кўп қутблиликдир. Минтақавий иттифоқлар ва интеграцион тузилмаларнинг фаоллашуви давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада мураккаблаштирмоқда. Бу жараён бир томондан рақобатни кучайтирса, иккинчи томондан, музокара ва келишувларга эҳтиёжни оширмоқда.

Бугунги глобал низоларнинг кучайишига бир нечта омиллар таъсир қилаяпти. Аввало, ҳозирда дунё сиёсий майдонида геосиёсий кучлар мувозанати ўзгарди. XX аср охирида шаклланган қисқа муддатли бир қутбли тартиб заифлашиб, ўрнига кўп қутбли жаҳон шаклланмоқда. Бу жараёнда АҚШ, Хитой, Россия, ЕИ каби минтақавий кучлар қандай бўлмасин янги тартиботда ўз етакчилигини ёки етакчилар гуруҳида ҳеч бўлмаганда тенг мавқеини сақлаб қолишга уринмоқда. Бу масалада айниқса бугун улар ўртасида рақобат ўта кучайди, бу рақобат эса таъсир доиралари учун курашни авж олдирди. Натижада бутун дунё кўз ўнгида ҳар ҳолда ишлаб келган халқаро ҳуқуқ ва институтлар таъсири ва уларга ишонч таназзулга учради. БМТ, Халқаро суд, халқаро келишувлар кўп ҳолларда сиёсий манфаатлар туфайли чекланиб қолаяпти, айрим давлатлар томонидан инкор этилаяпти ёки бир томонлама талқин қилинмоқда. Амалдаги ҳолат дунё катта урушлардан олдинги минтақавий урушлар ва “прокси” (воситачилик) низолари палласига киргандек тасаввур уйғотади. Аллақачон робот технологиялар қўлланаётган ва бевосита жаҳон урушига етаклаб бораётган маҳаллий ва минтақавий урушлар бугун бутун дунёни хавотирда тутмоқда. Юқорида тилган олингани каби йирик давлатлар эса дунё тинчлигини таъминлашни унда ўз устунликларини қарор топтириш орқали намойиш қилиш йўлида ҳар қандай халқаро тартибларни бузишдан қайтишмаяпти. Шунга кўра, айтиш мумкинки, “жаҳон тартиботи” аниқ бузилди, фақат ҳозирча тўлиқ эмас. Жаҳон тинчлигини сақлашда аслида масъуллиги юқори бўлган Россия ва АҚШ каби эътиборли кучлар (ядро устунлари) давлатлар суверенитети тамойилига ошкора кескин зарба бераяпти. Улар жаҳон тартиботида амал қилган, аслида ўзларига кўпроқ манфаат келтирган дипломатия, халқаро музокаралар, иқтисодий алоқалар тартибларини

<sup>3</sup> Amitav Acharya. The End of American World Order. -London: Polity Press, 2014.; Ian Bremmer. Every Nation for Itself: Winners and Losers in a G-Zero World. -New York: Portfolio / Penguin, 2012.; Donette Murray va David Brown. Multipolarity in the 21st Century: A New World Order. -London: Routledge, 2012.; Mher D. Sahakyan. China and Eurasian Powers in a Multipolar World Order 2.0. -London: Routledge, 2012.; Robert Kagan. The Jungle Grows Back: America and Our Imperiled World. -New York: Alfred A. Knopf, 2018.

биринчилардан бўлиб издан чиқаришмоқда. Оқибатда амалдаги халқаро институтлар, тартиблар, қоидаларга бошқалар ҳам қарамай қўймоқда. Бунинг ортидан эса дунёда қайтадан куч сиёсати (realpolitik) кучаймоқда, халқаро муносабатларда ишонч камаймоқда. Лекин буни айримлар “тартибсизлик” эмас, балки “янги жаҳон тартиботи”га ўтиш давридаги беқарорлик деб баҳолашади.

Ҳенри Киссинжер бугунги халқаро жараёнларни “тартиб парчаланиши эмас, қайта шаклланиши”, деб баҳолайди. Унингча, “жаҳон тартиботи ҳеч қачон ўзгаришсиз қолмайди. Ҳар бир ўтиш даврида қоидалар заифлашади, ишонч камаяди ва куч сиёсати кучаяди. Бу тартибнинг йўқолиши эмас, балки янги тартибнинг туғилиш оғриқларидир”<sup>4</sup>. Аммо Киссинжернинг бу фикри дунёга таъсир ўтказётган қудратли давлатнинг вакили сифатида ўз мамлакати ташқи сиёсати ва хатти-ҳаракатларини оқлашгагина хизмат қилади.

Самуэл Ҳантингтон ҳам масала борасида Киссинжер каби “ватанпарварлик” позициясида туради. У фикрини бироз аниқроқ ифодалаган. У ҳозирги даврни “ўтиш, яъни энг беқарор давр”, деб атайди. Бу ҳақда У “халқаро тизимда энг хавфли ҳолат - барқарор тартиб эмас, балки эски тартиб емирилиб, янгиси ҳали шаклланиб улгурмаган ўтиш давридир”, деган эди<sup>5</sup>. Мазкур қарашда АҚШ “ўтиш даври”нинг эгаси сифатида кўрилади.

Жаҳон тартиботидаги ўзгаришлар юзасидан кенг кузатувлар олиб борган Жон Миршаймер эса дунё “ишонч эмас, куч ҳал қилувчи омил” бўлиши палласига кирганини таъкидлайди. У жараённи Ҳантингтондан ҳам кўра аниқроқ баҳолаб, шундай дейди: бу даврда “Катта кучлар ўртасида ҳақиқий ишонч бўлмайди. Кўп кутбли тизимга ўтиш жараёнида давлатлар яна реалполитикка таянади, чунки омон қолиш - энг устувор мақсаддир”<sup>6</sup>. Бугун жаҳон сиёсатининг кўриниши айни мана шу фикрга мувофиқ, дейиш мумкин.

Роберт Кеохейн ҳам бир вақтлар неолиберал институционализмга оид қарашлари доирасида “институтлар заифлашганда беқарорлик кучайишини” таъкидлаган эди. Унинг “Агар халқаро институтлар қоидаларни таъминлай олмаса, давлатлар ҳамкорликдан кўра куч ва манфаат мантиғига қайтади. Бу анархия эмас, балки бошқарув инқирозидир”<sup>7</sup>, деган фикри жаҳон тартиботи трансформация қилинмаётгани, балки у бузилгани ва қайтадан шаклланиш

<sup>4</sup> Henry Kissinger. World Order: Reflections on the Character of Nations and the Course of History. -New York: Penguin Press-Penguin Books, 2014. -432 p.

<sup>5</sup> Samuel P. Huntington. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. -New York: Simon & Schuster, 2016. -368 p.

<sup>6</sup> John J. Mearsheimer. The Tragedy of Great Power Politics. -New York: W. W. Norton & Company, 2001.

<sup>7</sup> Robert O. Keohane. After Hegemony: Cooperation and Discord in the World Political Economy. - New Jersey: Princeton University Press, 1984. -290 p.

палласига киргани, давлатлар эса унда ўз мавқеларини юқори даражаларда ушлаб қолиш учун кураш олиб бораётганларини тасдиқлайди.

Ўз вақтида Збигнев Бжезинский ҳам “геосиёсий қайта тақсимланиш жараёни глобал беқарорликни келтириб чиқариши”ни айтиб ўтганди. У “Ҳозирги глобал нотинчлик тартибсизлик эмас. Бу куч марказларининг қайта жойлашуви жараёнидир. Бундай пайтда зиддиятлар муқаррар”<sup>8</sup>, деган эди. У ҳам аслида “қайта жойлашиш” жараёнида барча халқаро майдонда қулай мавқе учун интилишини назарда тутганди. Ҳозир ҳақиқатан ҳам кўп давлатларнинг ёндашувлари мана шунга қаратилган ва бу йўлда улар урушлар, низолар, санкциялар, иқтисодий босимлар, молиявий қарамга айлантириш, таъсир доирасида сақлаб қолиш каби турли усуллардан кенг фойдаланмоқдалар. Бир жиҳати шундаки, фақат энди бу курашга кирганлар сони кам эмас ва шунинг учун дунё “қуп қутблилик” сари кетмоқда, деган қарашлар кенг ёйилаяпти.

Барри Бузан ана шу кўпчилик курашини тадқиқ этар экан, халқаро жамият назарияси юзасидан олиб борган таҳлилларидан “жаҳон тартиботи ўзгариши узок ва зиддиятли жараён”, деган хулосани чиқаради. У бу жараён қонли тўқнашувлар билан юз бериши эҳтимоли жуда юқорилигига ҳам ишора қилган. Фикрларини изоҳлаётиб, у “Халқаро жамиятда қоидалар бир кунда алмашмайди. Ўтиш даврида ишонч пасаяди, куч сиёсати кучаяди, лекин бу янги тартиб сари ҳаракатнинг бир қисми” бўлади<sup>9</sup>, дейиш билан Кеоҳейннинг хулосаларига ҳамоҳанг қарашларни илгари суради.

Мазкур фикрларнинг деярли барчаси 2000 йилларда юзага келган бир қутбли жаҳон тартиботи бузилаётгани, бу жараёнда албатта курашлар кучайиши, кучли давлатлар эса келажакда вужудга келадиган тартиботда ўз мавқеини сақлаб қолишга уринишини англатади. Лекин бу курашлар фақат кучлилар ўртасида юз бераётгани йўқ. Чунки улар мавқени сақлаб қолиш курашларида ҳудудларни эгаллаш, турли ресурсларга эгалик қилиш, бунинг имкони бўлмаганда уларни ўз таъсир доираларида тутиб қолишга интилиш, бунинг учун керак бўлса ўша ҳудудларда урушларни келтириб чиқариш орқали кўплаб давлатларни низолар қурбонларига айлантираяптилар. Кичикроқ давлатлар эса буни ўзлари учун майдонда мавқе эгаллаш имкони деб билмоқдалар ва бажонидил курашга кираяптилар. Буни бугун бутун дунё англаб турибди. Албатта, уларнинг баъзилари янги тартиботда мавқега эга бўлиши мумкин, аммо бу мавқе халқаро қарорлар қабул қилишга таъсирли

<sup>8</sup> Zbigniew Brzezinski. Strategic Vision: America and the Crisis of Global Power. -New York: Basic Books, 2012. -224 p.

<sup>9</sup> Barry Buzan, Laust Schouenborg. Global International Society: A New Framework for Analysis. -Cambridge-New York: Cambridge University Press, 2018. -276 p.

даражада бўлиши эҳтимоли жуда кам. Чунки кучли давлатлар парчаланмас экан, кичик давлатлар улар даражасига чиқа олмайди.

Шунга кўра, ҳозирги халқаро муносабатлардаги ишонч таназзули ва кучлар тўқнашувининг (realpolitik) кучайиши - жаҳон тартиботининг инқирозигина эмас, балки уни қайтадан шакллантириш учун курашдаги бошланғич беқарорлик босқичидир. Огоҳлантириш лозимки, ўтган асрдаги ҳар икки жаҳон уруши мана шу босқичнинг чуқурлашиб кетишидан юзага келган эди.

Нима учун янги жаҳон тартиботини ўрнатишга уриниш уруш хавфини оширади? А.Органски, Жейс Т. Куглер ўзларининг “Кучлар ўтиш назарияси” (Power Transition Theory)да <sup>10</sup> айтиб ўтганларидек, “эски етакчи куч ўз устунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилади” (масалан, ҳозирда АҚШ, ЕИ каби), “кўтарилаётган куч эса янги қоидаларни талаб қилади” (масалан, ҳозирги Хитой, Россия, Ҳиндистон каби), “икки томон манфаатлари тўқнашган нуқтада уруш хавфи юзага келади” (тарихий мисол, XX асрдаги икки жаҳон уруши). Айтиш мумкинки, уруш хавфининг пайдо бўлиши ўзаро ишончни йўқотиб боради, давлатлар ваъдага эмас, куч балансига ишона бошлайди (мисол, ҳозирги кучли давлатларнинг ўзаро муносабати). Оқибатда ҳарбий тайёргарлик - хавфсизлик кафолатига айланади, хавфсизлик дилеммаси кучаяди (бир томон ҳимоя деб кўрган иш, иккинчисига таҳдид бўлиб кўринади). Бу ўринда Жон Миршаймер таъбири билан айтганда “кучлар қайта тақсимланаётган пайтда энг хавфли қарорларни катта давлатлар қабул қилади”<sup>11</sup>.

Хўш, янги жаҳон тартиботи қачон жаҳон урушига айланиши мумкин? Бу масалада айтиш керакки, агар етакчи кучлар ўз ҳукмронлиги ниҳоясига етганини тан олмаса, ўсаётган кучлар қайтмас ҳаракатларга киришса, халқаро институтлар талаблари эътибордан қолса, қоидалар ўрнини куч эгалласа, минтақавий ёки давлатлараро низолар глобал блокларга боғланса ва буларнинг ҳаммаси бир вақтда содир бўлса, бу жаҳон уруши хавфини юқори даражага етказди. Ҳозирги дунё аҳволида деярли мана шундай ҳолат. Украина, Исроил-Ғазо, Венесуэла, Эронда юз бераётгани каби локал можаролар блоклараро зиддиятга, катта урушга, охир-оқибатда эҳтимолий жаҳон урушига айланиши мумкин. Лекин, Киссинжер таъкидлаганидек, “замонавий жаҳон уруши - ғалабасиз уруш” бўлишига курашаётган кучлар манфаатлар устун келаётгани сабабли эътиборсиз ва нописанд қарашмоқда<sup>12</sup>.

<sup>10</sup> A.F.K.Organski va Jacek Kugler. The War Ledger. -Chicago, London: University of Chicago Press, 1980.

<sup>11</sup> John J. Mearsheimer. The Tragedy of Great Power Politics. -New York: W. W. Norton & Company, 2001.

<sup>12</sup> Henry Kissinger. World Order: Reflections on the Character of Nations and the Course of History. -New York: Penguin Press-Penguin Books, 2014.

Янги жаҳон тартиботини қудрат ва етакчилик манфаати билан ўрнатишга уринишлар албатта, жаҳон уруши хавфини оширади, аммо урушнинг ўзи тарихий зарурат эмас, чунки инсониятнинг ривожланиб бориши амалдаги кучлар устувор бўлиб қолишни қанчалик истамасин, улардан кучлиларни юзага чиқаришини тўхтата олмайди, бу башариятнинг бутун тарихи давомида юз бериб келган қонуният.

Замонавий халқаро тизимда мана шундай геосиёсий рақобатнинг кучайиши, минтақавий можароларнинг авж олиши ва глобал институтлар самарадорлигининг яққол пастлаб кетиши шароитида ривожланаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз халқаро муносабатлари ва ташқи сиёсатини қайта шакллантирмоқда. Мазкур шароитда айниқса, 2024-25 йиллар давомида бутун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари дунёга фаол нейтраллик, очиқ прагматизм ва мувозанатли позицияни намоён этди. Ўзбекистон ҳозирда ҳам кўп векторли ташқи сиёсат юритиб, нафақат ўзи, балки бутун минтақанинг йирик куч марказлари ўртасида бир томонлама қарамликка тушиб қолишига йўл қўймасликка интилмоқда.

Шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликни устувор деб билиб, қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. У иқлим ўзгариши, сув хавфсизлиги ва хавфсизлик масалаларида конструктив халқаро ташаббуслар илгари сурмоқда. Иқтисодий дипломатия орқали инвестициялар жалб этиш ва ташқи савдони диверсификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Илмий нуқтаи назардан, бу позиция “ўрта давлатлар дипломатияси” ва конструктив ёндашув доирасида баҳоланади. Хуллас, Ўзбекистон глобал беқарорлик шароитида радикал блоклашувдан кўра мувозанатли, прагматик ва тинчликпарвар ташқи сиёсат орқали ўз миллий манфаатларини қатъий ҳимоялаш стратегиясини амалга оширмоқда.

Ҳозир халқаро муносабатлар таҳлилларида янги жаҳон тартиботи қандай усулда ўрнатилади ва у барибир кучлилар устуворлигида қолиб, тенгсизлик ҳамда адолатсизлик қайта такрорланмайдими деган қараш турли шаклларда ва кўп муҳокама қилинмоқда. Масалага илмий муносабат билдириладиган бўлса, ҳа, шундай хавф бор, лекин таъкидлаш лозимки, бу муқаррар натижа бўла олмайди. Янги жаҳон тартиботи ўрнатилишига тарихий тажрибалар нуқтаи назардан қараганда (чунки инсоният тажрибага суянади) кўриш мумкинки, у икки усулда шакллانган.

Биринчиси, уруш орқали (масалан, Вестфалия тизими (1648) Европа урушлари натижасидир ёки Вена тизими (1815) Наполеон урушлари натижаси, Ялта–Потсдам келишуви (1945) Иккинчи жаҳон уруши натижаси экнлигини

эсга олайлик). Бу йўл, тез, аммо қонли, кучлилар манфаатига мос, адолат эмас, мавқеъни мустаҳкамлайди.

Иккинчиси, келишув ва ислохотлар орқали (Хелсинки шартномаси (1970–80-йиллар), Европа хавфсизлик архитектураси (1990-йиллар), БРИКС, G20 каби форматлар). Бу йўл секин, зиддиятли, манфаатларнинг айёр механизмларига таянади, лекин тинчлик билан бўлгани учун нисбатан адолатли, деб қаралади.

Хўш, ҳозирги жаҳон сиёсатида қайси усул устун келаяпти? Бу масалада айтиш мумкинки, жараёнлар аралаш сценарийни кўрсатади. Катта урушларсиз, аммо куч ишлатиш, таҳдид, санкциялар, прокси-урушлар ва иқтисодий босимлар шуни исботлайди. Бу ҳолатни баъзи олимлар “урушсиз уруш” ҳолати, деб ҳам атайпдилар. Сабаби, ҳозир кучлилар янги тартибларни ўз манфаатларида қолдиришга уринмоқдалар, кучлилиқка даъвогарлар ва улар қаторида бўлишга интилаётганлар эса бунга қарши минг хил йўллар билан кураш олиб бормоқдалар. Агар бу борада кучлилар енгиб чиқса, уларнинг келишуви содир бўлса, катта эҳтимол билан дунё тартиби кичик ўзгаришлардан нарига ўтмайди. Чунки, тажрибага кўра, қоидаларни ҳар доим кучга эга давлатлар белгилаган, халқаро институтлар ҳам улар манфаатини инобатга олиб келади. Бунда “умуминсоний қадриятлар” кўпинча шунчаки, геосиёсий воситага айланади. Миршаймер “халқаро тизимда адолат эмас, кудратда қолиш асосий қоидадир”, деганда ҳақ эди.

Лекин айни даврда тенгсизликни ҳам муқаррар деб бўлмайди. Чунки куч тушунчаси ўзгараяпти. Ҳозир устуворлик фақат ҳарбий куч билан эмас, иқтисод, технология, демография, маънавий легитимлик билан ҳам намоён бўлаяпти. Бу ўрта ва кичик давлатларга катта ўзгаришлар имконини беради ва минтақавий коалицияларни кучайтиради. Ҳозир халқаро институтлар учун ҳам кураш кетаяпти, дейиш мумкин. Негаки, янги тартиб тайёр қолип эмас, у аслида кураш майдони. Ғолиб ким бўлса, қоидаларни ўша ёзади ва тартиб ҳам шунинг ҳукмига бўйсунди. Бундай шароитда адолатлироқ тартиб қандай шартларда бўлиши мумкин?

Назаримизда нима бўлганда ҳам кўп қутблилик институционаллашса, вето ва қарор қабул қилиш ислоҳ қилинса, минтақавий блоклар мустақил овозга эга бўлса, халқаро ҳуқуқ селектив қўлланмаслиги учун босим кучайса, глобал Жануб объект эмас, субъектга айланса минимал реал шартлар юзага келиши мумкин. Хуллас, янги жаҳон тартиботи ё куч орқали, ё келишув орқали шаклланади. Агар у фақат куч мантиғига таянса, тенгсизлик қайта ишлаб чиқилади. Агар қоидалар учун кураш очик ва кўп томонлама бўлса, нисбатли адолат имконияти пайдо бўлади. Амалдаги жаҳон тартиботи нурашда давом

этар экан, янгисининг шаклланиши албатта жиддий синовлардан ўтади. Инсоният эски қоидалар билан янги реалликни бошқариб бўлмаслигини англаб, янги мувозанат излаётган даврда турибди. Бу жараён эса маълум вақт давомида беқарорлик, зиддият ва низолар билан кечиши табиий. Бирдан-бир шарт бу мувозанат уруш орқали ўрнатилмаслиги холос.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Hal Brands. Making the Unipolar Moment: U.S. Foreign Policy and the Rise of the Post-Cold War Order. -New York: Cornell University Press, 2016. -480 p.
2. Samuel P. Huntington. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. -New York: Simon & Schuster, 1996. -368 p.
3. Amitav Acharya. The End of American World Order. -London: Polity Press, 2014. -140 p.
4. Ian Bremmer. Every Nation for Itself: Winners and Losers in a G-Zero World. -New York: Portfolio / Penguin, 2012. -240 p.
5. Donette Murray ва David Brown. Multipolarity in the 21st Century: A New World Order. -London: Routledge, 2012. -224 p.
6. Mher D. Sahakyan. China and Eurasian Powers in a Multipolar World Order 2.0. -London: Routledge, 2012. -274 p.
7. Robert Kagan. The Jungle Grows Back: America and Our Imperiled World. -New York: Alfred A. Knopf, 2018. -300 p.
8. Henry Kissinger. World Order: Reflections on the Character of Nations and the Course of History. -New York: Penguin Press-Penguin Books, 2014. -432 p.
9. Samuel P. Huntington. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. -New York: Simon & Schuster, 2016. -368 p.
10. John J. Mearsheimer. The Tragedy of Great Power Politics. -New York: W. W. Norton & Company, 2001. -555 p.
11. Robert O. Keohane. After Hegemony: Cooperation and Discord in the World Political Economy. -New Jersey: Princeton University Press, 1984. -290 p.
12. Zbigniew Brzezinski. Strategic Vision: America and the Crisis of Global Power. -New York: Basic Books, 2012. -224 p.
13. Barry Buzan, Laust Schouenborg. Global International Society: A New Framework for Analysis. -Cambridge-New York: Cambridge University Press, 2018. -276 p.
14. A.F.K. Organski ва Jacek Kugler. The War Ledger. -Chicago, London: University of Chicago Press, 1980. -299 p.